

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХСИНОВА МАХЗУНА ХОЛМУРАДОВНА

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ТУҒМА ҚИЗИЛЎНГАЧ
АНОМАЛИЯЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
РЕЖАЛАШДА ПАТОМОРФОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИНГ РОЛИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.09 – Педиатрия**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciens (DSc)

Мухсинова Махзуна Холмурадовна

Янги туғилган чақалокларда туғма қизилўнгач
аномалияларини ташхислаш ва даволашни
режалашда патоморфологик текширувларнинг роли 3

Мухсинова Махзуна Холмурадовна

Роль патоморфологических исследований
в диагностике и планировании лечения
новорожденных с врожденными аномалиями пищевода..... 29

Mukhsinova Makhzuna Kholmuradovna

The role of pathomorphological studies in the
diagnosis and treatment planning of newborns
with congenital anomalies of the esophagus..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХСИНОВА МАХЗУНА ХОЛМУРАДОВНА

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ТУҒМА ҚИЗИЛЎНГАЧ
АНОМАЛИЯЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
РЕЖАЛАШДА ПАТОМОРФОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИНГ РОЛИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.09 – Педиатрия**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/Tib1056 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Эшбаев Эркин Абдухалимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Зуфаров Азиз Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хамидова Фарида Муиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Гаффарова Феруза Муратходжаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро
қозоқ-турк университети (Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда янги туғилган чақалоқларда қизилўнгач ривожланиш аномалиялари асосан бошқа патологиялар билан бирга қўшилиб келувчи мураккаб комплексли касаллик бўлиб, жами аномалияларни 3,2% ни ташкил қилади. Ҳомила ичи ривожланишининг эмбрионал даврида қизилўнгач ва унинг таркибий тузилмаларининг ривожланишини анатомик ва гистологик ўзгаришлари билан давом этадиган жараён дур. Дунё бўйича қизилўнгач ривожланиш аномалияларининг учраш кўрсаткичи ҳар 100 000 чақалоқдан 40 тасига тўғри келади. АҚШ ва Европа давлатларида ҳомиладорликни эрта скрининг қилиш даврида ушбу патологияни аниқланиши, «...ҳомиладорликни тугатишга берилган қатъий тавсиялар асосида, ҳар 100 мингта чақалоқда учраш даражаси ўртача 4-8 тани ташкил этади...»¹. Ҳозирги кунда мазкур муаммо педиатр ва неонатологлар учун долзарб бўлиб, ирсий мойиллиги юқори бўлган қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган болаларда касалланиш 2,5 баробарга юқори эканлиги аниқланган. Айнан бронх-қизилўнгач битишмалари билан бирга келган қизилўнгач ривожланиш аномалияларининг 85% дан ортиги ўлимга олиб келади, болалар эса эрта неонатал даврнинг дастлабки кунларида аспирацион пневмониядан вафот этади. Мазкур муаммони ечими сифатида замонавий педиатрлардан эрта неонатал даврда аниқланган нуқсонни тор ихтисослаштирилган текширув усулларидадан фойдаланган ҳолда, босқичма-босқич жарроҳлик аралашувлар орқали даволаш усуллари жорий этиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда янги туғилган чақалоқларда қизилўнгач ривожланиш аномалияларининг турли клиник морфологик вариантларини морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятлари асосида баҳолаш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқларда қизилўнгач атрезияларини 5 хил вариантыда энг кўп учрайдиган ривожланиш аномалияларини турли кўринишдаги морфологик ва иммуногистокимёвий хос жиҳатларини баҳолаш орқали чақалоқлар ўлимини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, она бола муҳофазасини ташкиллаштиришда чақалоқлар туғма қизилўнгач атрезиясидан келиб чиқадиган ўлим кўрсаткичларини камайтиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби

¹ Burgmeier C, Schier F. Hemodynamic effects of thoracoscopic surgery in neonates with cardiac anomalies. //J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2014 Apr;24(4):265-7.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида чақалоқлар туғма аномалияларини, жумладан, қизилўнғач атрезиясини ташхислаш ва даволашда замонавий технологиялардан фойдаланишни яхшилаш, ҳамда асоратлар ва чақалоқлар ўлимини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Қизилўнғачнинг бирга қўшилиб келган ривожланиш аномалиянинг патоморфологик хусусиятларини ва чақалоқларда аниқланган қизилўнғач аномалияларини даволашнинг турли комбинацияларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of California (АҚШ); University of Washington, University of Cornell (АҚШ); University of Louisville (Германия); King's College London (Буюк Британия); Chinese Academy of Medical Science; Sichuan University (Хитой); University Vita-Salute, University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); University of Sydney (Австралия); Oswaldo Cruz Institute; University of Lviv, Dnipropetrovsk Medical Academy, University of Ternopil (Украина); Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қизилўнғач аномалиялари орасида энг кўп учрайдиган атрезиянинг турли шакллари патоморфологик хусусиятларини яхшилаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги натижалар олинган: чақалоқларнинг қизилўнғач артериолаларида ўтказилган жарроҳлик

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

амалиётида тўқима нуқсонларини ёпиш учун аллотрансплантатлардан фойдаланиш натижасида, қизилўнғач деворида турли хил дисфункционал ўзгаришлар ва ўсма олди жараёнларининг ривожланиши исботланган (Sichuan University (Хитой)); қизилўнғач аномалиялари барча чакалоқлар ўлим ҳолатларининг 2% га сабаб бўлади; мамлакатимизда ушбу аномалияларнинг патологик анатомиясини комплекс морфологик ўрганиш давом этмоқда (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда қизилўнғач ривожланишининг морфологик жиҳатларини аниқлаш юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, қизилўнғачни ривожланиш аномалияларида юзага келадиган иммуногистокимёвий ўзгаришларда аниқланган иммуномаркерларни экспрессияланиш кўрсаткичларини баҳолаш орқали ташхислаш ва даволаш алгоритмининг ишлаб чиқишни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда италиялик олимлар (La Placa С., Guiffre M., 2017) томонидан қизилўнғач атрезияси бўйича бир қатор диагностик ва босқичма-босқич жарроҳлик амалиёти бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан 635 таси самарали ҳисобланади, аммо уларнинг морфологик жиҳатлари ўрганилмаган. 2010 йилда Америкалик олим Spitz L қизилўнғач атрезиясини даволашнинг бир нечта босқичма-босқич усулларини таклиф қилган. Бироқ, клиник-морфологик жиҳатлари бир вақтда ўрганилмаган ва муаммони ҳал қилишнинг этиологик омил алгоритми ишлаб чиқилмаган. Jacobs IJ, Ku WY, Que J. (2012) ва бошқалар томонидан ҳомила ривожланиш даврида ичак дифференциациясини тартибга солувчи сигнал йўллари трахея ва қизилўнғачнинг кейинги органогенезидаги роли ўрганилган, шунингдек, функционал бузилиш жиҳатлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Achildi O, Grewal N. ва бошқалар (2007) қизилўнғач ривожланиш аномалияларида атрезия ва стеноз ўртасидаги морфологик жиҳатдан ўхшашлик жуда яқин эканлигини таъкидлашган. Bass ва бошқалар (2009) қизилўнғач ривожланиш аномалияларидан кейинги даврда саратон ривожланиш хавфи 8-10 баробарга ошганлиги тўғрисида кўп маротаба маълумот берган, шу билан бирга, қизилўнғач аномалияларининг морфологик жиҳатларини таҳлил қилишган. Tertychnyū AS, Zhakota DA (2012) қизилўнғач аномалияларида, айниқса атрезияда, секретор безлар қизилўнғач шиллик қаватида аниқланмаслигини ва кейинчалик гистокимёвий ўзгаришларни ўрганиб, Барретта қизилўнғачи онтогенетик ва ўсма олди жараёни эканлигини қайд қилиб ўтган. МДХ мамлакатларида ҳам қизилўнғач атрезияси бўйича тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, пластик жарроҳликдан фойдаланган ҳолда қизилўнғач атрезиясини босқичма-босқич ксенопластика қилиш амалга оширилган.

Ўзбекистонда ошқозон-ичак трактининг ривожланиш аномалиялари, қизилўнғач аномалияларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларнинг умумий жиҳатлари қатор олимлар томонидан ўрганилган ҳамда даволаш ва ташхислашда қатор илмий ва амалий кўникмалар тақдим этилган (М.С.Абдуллахўжаева, И.Р.Исроилов, 2012; Ж.О.Атакулов, Ш.А.Юсупов, А.М.Шамсиев ва бошқ., 2022). Бироқ, параллел равишда клиник ва

морфологик тадқиқотлар ўтказилганлиги ва клиник-морфологик диагностика мезонлари ишлаб чиқилганлиги тўғрисида бирор-бир маълумотлар чоп қилинмаган.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили асосида, қизилўнғач ривожланиш аномалияларини даволашнинг клиник, морфологик ва иммуногистохимёвий хусусиятларига асосланган ташхислаш ва даволаш мезонларини, шунингдек, даволашни режалаштиришда муҳим амалий тавсиялар ва кўрсатмаларга асосланган системали ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Турли патологик омиллар таъсирида одам ва тажриба ҳайвонлари ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг функционал, метаболик ва структур ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни коррекциялаш йўллари ва эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2019-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қизилўнғач ривожланиш аномалиялари бўлган қизилўнғач атрезияларини турли хил клиник таснифлари бўйича морфологик, морфометрик, иммуногистохимёвий хос жиҳатларини ўрганиш асосида ташхислаш ва даволашни режалаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги туғилган чақалоқларда қизилўнғач туғма атрезияларининг клиник-анамнестик, аутопсия маълумотлари асосида, ўлимга олиб келувчи омилларни аниқлаш;

янги туғилган чақалоқларда қизилўнғач туғма атрезияларининг клиник-лаборатор текшириш усуллари натижаларини таҳлил қилиш;

янги туғилган чақалоқларда қизилўнғач туғма атрезияларининг клиник вариантлари бўйича морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни ўзгаришларини баҳолаш;

янги туғилган чақалоқларда қизилўнғач туғма атрезияларининг клиник вариантлари бўйича морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни ўзгаришларини баҳолаш;

янги туғилган чақалоқларда қизилўнғач туғма атрезияларининг морфологик етилганлик жиҳатларини иммуногистохимёвий (VEGFA-1, Chromogranin-A, Sinaptophysin маркерларининг) экспрессияланиш даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнғач аномалияларини патоморфологик ўзгаришлари негизида ташхислаш ва даволашни режалаштириш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика перинатал маркази патологик анатомия бўлими ҳамда Республика патологик анатомия марказида қизилўнғач туғма аномалияларидан вафот этган 113 та ва назорат гуруҳи сифатида зотилжамдан вафот этган 16 та чақалоқлар касаллик тарихи, клиник-

анамнестик маълумотлари, аутопсия текширув жараёнидаги қизилўнғач тўқимаси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қизилўнғач туғма аномалияларини даволаш натижалари, клиник-анамнестик маълумотлари таҳлили ва қизилўнғачда юзага келган морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ўзгаришлар таҳлили натижалари маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-анамнестик, морфологик гематоксилин, эозин, гистокимёвий Ван Гизон, ШИФФ усулида бўяш, иммуногистокимёвий, мультиплексли конфокал морфометрик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

клиник-анамнестик маълумотлар бўйича қизилўнғачнинг туғма аномалиялари орасида туғма атрезия энг кўп учрагани, ўлим танотогенези структурасида аспирацион пневмония етакчи ўринда эканлиги аниқланган;

янги туғилган чақалоқларда клиник-анамнестик маълумотлари асосида қизилўнғач туғма атрезиялари хавф омилларининг устунлиги, уларда гипотермия, гипоксия, гиповолемия ва гипогликемик белгилар билан намоён бўлиши исботланган;

қизилўнғач туғма атрезияларининг клиник оғир турлари орасида 3, 4, 5-вариантларига хос бўлган қизилўнғач девори бўйлама мушак толаларининг гипертрофияси, циркуляр мушаклар стенози, шиллиқ қаватининг шаклланмаганлиги ва метаплазияси аниқланган;

морфологик етилмаганлик белгиси бўлган қизилўнғач атрезияси девор мушак қаватининг миофибрози, миосклерози, стеноз жараёнларининг кучайиши натижасида ахалазия ва морфофункционал лаёқатсизликни кескин ошишига олиб келиши Chromogranin-A маркерининг паст даражали экспрессияси орқали аниқланган;

Synaptophysin маркерининг ўрта ва паст позитив экспрессияси қизилўнғачнинг морфологик етилмаганлик белгиси бўлиб, морфометрик кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳига нисбатан нерв ганглиялари эгаллаган майдонининг 5-7,2 мартага камайиши, ўз навбатида радикал коррекциялашдан кейинги реабилитация даврида нерв-мушак иннервациясининг етишмовчилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қизилўнғач туғма атрезияларининг дифференциал ташхислашда патоморфологик маълумотларнинг аҳамияти исботланган;

қизилўнғач туғма атрезияларини турли вариантлари бўйича илк маротаба хос патоморфологик ўзгаришлар ёритилган ва тизимлаштирилган;

қизилўнғач туғма атрезияларининг энг оғир вариантларида тўқима дефектида юзага келадиган морфологик ва гистокимёвий ўзгаришларни ташхисий аҳамияти ёритилган бўлиб, олдиндан берилган проспектив башорат ўлим кўрсаткичини камайишига олиб келган;

илк маротаба қизилўнғач атрезияларини 5 та хил клиник-морфологик вариантларида юзага келган патоморфологик ва иммуногистокимёвий

жиҳатларидаги морфологик етилиш даражаси баҳоланган ва тавсиялар ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-анамнестик, морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, қизилўнгач аномалияларини клиник-анамнестик, морфологик жиҳатларини ўрганиш, касалликларни клиник-анамнестик ва патоморфологик ўзгаришларини такомиллаштиришда халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чақалоқларда қизилўнгач туғма атрезияларининг турли хил клиник вариантларида морфологик ва морфометрик, иммуногистокимёвий жиҳатлари асосида касалликнинг ривожланиш морфогенези ва патоморфологик ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларнинг касаллик ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, чақалоқлар ўлими юзага келишида танотогенез сабабларнинг ва қизилўнгач туғма атрезияси оғир шаклларида ривожланиши билан боғлиқлиги, танотогенез механизмининг сабаблари сифатида назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чақалоқларда туғма қизилўнгач атрезияларининг турли клиник вариантларини илк марта ҳар бир турига хос бўлган патоморфологик тавсифини такомиллаштиришда ривожланиш морфогенези ва патоморфологик ўзгаришларни иммуногистокимёвий усулларда олинган натижалар бўйича олдиндан патоморфологик башоратлаш ва эрта ташхислаш ўлим хавф даражасига ўтишини олдини олиш ва камайтириш, келажақда ҳаёт учун хавфли патологик жараёнлар ривожланиши мумкинлигини инобатга олиб, уларни олдини олиш учун кўриладиган чора-тадбирларни кучайтиришда аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Янги туғилган чақалоқларда қизилўнгач туғма атрезиясининг морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини комплекс ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: клиник-анамнестик маълумотлар бўйича қизилўнгачнинг туғма аномалиялари орасида туғма атрезия энг кўп учрагани, ўлим танотогенези структурасида аспирацион пневмония етакчи ўринда эканлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 мартда 01-р/97-сон билан тасдиқланган «Янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач аномалияларидан бири булган атрезияларни турли шаклларида патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» ва «Туғма

қизилўнғач атрезиясларини ташхислашни режалаштиришда иммуногистокимёвий тадқиқотларнинг аҳамияти» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республика патологик анатомия бюроси бўйича 09.04.2025 йилдаги 16-сон ва 17-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 08.04.2025 йилдаги 15-сон ва 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган услубий ёндашувларни қўллаш қизилўнғач атрезиясининг оғир шакллари (1, 3, 4, 5 вариантлар) билан туғилган чақалоқлар орасида ўлимни 30% гача камайтириш, асоратларни (дисфагия, ахалазия, ГЕР ва аспирация) эрта башорат қилиш имкониятини таъминлаш, ҳаётнинг дастлабки 7 кунда омон қолишни яхшилаш, иннервация ва қон томир тармоғининг ҳолатини баҳолаш орқали операциядан кейинги реабилитация самарадорлигини ошириш, аралашув тактикасини (стандарт пластика, реиннервация, паллиатив тузатиш) танлашни оқилоналаштириш имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 675000-945000 сўм бюджет маблағлар янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнғач атрезиясини ташхислаш ва даволашни режалаштиришда таклиф этилган морфоиммуногистокимёвий ёндашувни қўллаш неонатал жарроҳлик сифатини ошириш, перинатал ўлим ва ногиронликни камайтириш, операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: янги туғилган чақалоқларда клиник-анамнестик маълумотлари асосида қизилўнғач туғма атрезиялари хавф омилларининг устунлиги, уларда гипотермия, гипоксия, гиповолемия ва гипогликемик белгилар билан намоён бўлиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 мартда 01-р/97-сон билан тасдиқланган «Янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнғач аномалияларидан бири булган атрезияларни турли шаклларида патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» ва «Туғма қизилўнғач атрезиясларини ташхислашни режалаштиришда иммуногистокимёвий тадқиқотларнинг аҳамияти» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республика патологик анатомия бюроси бўйича 09.04.2025 йилдаги 16-сон ва 17-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 08.04.2025 йилдаги 15-сон ва 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/24-сон хулосаси). Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республика патологик анатомия бюроси бўйича 09.04.2025 йилдаги 16-сон ва 17-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 08.04.2025 йилдаги 15-сон ва 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган услубий ёндашувларни қўллаш қизилўнғач атрезиясининг оғир шакллари (1, 3, 4, 5 вариантлар) билан туғилган чақалоқлар орасида ўлимни 30% гача камайтириш, асоратларни

(дисфагия, ахалазия, ГЕР ва аспирация) эрта башорат қилиш имкониятини таъминлаш, ҳаётнинг дастлабки 7 кунда омон қолишни яхшилаш, иннервация ва қон томир тармоғининг ҳолатини баҳолаш орқали операциядан кейинги реабилитация самарадорлигини ошириш, аралашув тактикасини (стандарт пластика, реиннервация, паллиатив тузатиш) танлашни оқилонлаштириш имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 675000-945000 сўм бюджет маблағлар янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач атрезиясини ташхислаш ва даволашни режалаштиришда таклиф этилган морфоиммуногистокимёвий ёндашувни қўллаш неонатал жарроҳлик сифатини ошириш, перинатал ўлим ва ногиронликни камайтириш, операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: қизилўнгач девори анатомик қаватларида ШИФФ-мусбат тузилмаларнинг тўпланиши, секретор безларда аутолиз ва некроз жараёнининг кучайиши, шиллик қаватида десквамация ўчоқларининг юзага келиши гистокимёвий тадқиқотлар асосида исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 мартда 01-р/97-сон билан тасдиқланган «Янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач аномалияларидан бири булган атрезияларни турли шаклларида патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» ва «Туғма қизилўнгач атрезияларини ташхислашни режалаштиришда иммуногистокимёвий тадқиқотларнинг аҳамияти» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республика патологик анатомия бюроси бўйича 09.04.2025 йилдаги 16-сон ва 17-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 08.04.2025 йилдаги 15-сон ва 16-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган услубий ёндашувларни қўллаш қизилўнгач атрезиясининг оғир шакллари (1, 3, 4, 5 вариантлар) билан туғилган чақалоқлар орасида ўлимни 30% гача камайтириш, асоратларни (дисфагия, ахалазия, ГЕР ва аспирация) эрта башорат қилиш имкониятини таъминлаш, ҳаётнинг дастлабки 7 кунда омон қолишни яхшилаш, иннервация ва қон томир тармоғининг ҳолатини баҳолаш орқали операциядан кейинги реабилитация самарадорлигини ошириш, аралашув тактикасини (стандарт пластика, реиннервация, паллиатив тузатиш) танлашни оқилонлаштириш имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 675000-945000 сўм бюджет маблағлар янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач атрезиясини ташхислаш ва даволашни режалаштиришда таклиф этилган морфоиммуногистокимёвий ёндашувни қўллаш неонатал жарроҳлик сифатини ошириш, перинатал ўлим ва ногиронликни камайтириш,

операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: морфологик етилмаганлик белгиси бўлган қизилўнгач атрезияси девор мушак қаватининг миофибрози, миосклерози, стеноз жараёнларининг кучайиши натижасида ахалазия ва морфофункционал лаёқатсизликни кескин ошишига олиб келиши Chromogranin-A маркерининг паст даражали экспрессияси орқали аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 мартда 01-р/97-сон билан тасдиқланган «Янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач аномалияларидан бири булган атрезияларни турли шаклларида патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш» ва «Туғма қизилўнгач атрезияларини ташхислашни режалаштиришда иммуногистохимёвий тадқиқотларнинг аҳамияти» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республика патологик анатомия бюроси бўйича 09.04.2025 йилдаги 16-сон ва 17-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 08.04.2025 йилдаги 15-сон ва 16-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган услубий ёндашувларни қўллаш қизилўнгач атрезиясининг оғир шакллари (1, 3, 4, 5 вариантлар) билан туғилган чақалоқлар орасида ўлимни 30% гача камайтириш, асоратларни (дисфагия, ахалазия, ГЕР ва аспирация) эрта башорат қилиш имкониятини таъминлаш, ҳаётнинг дастлабки 7 кунда омон қолишни яхшилаш, иннервация ва қон томир тармоғининг ҳолатини баҳолаш орқали операциядан кейинги реабилитация самарадорлигини ошириш, аралашув тактикасини (стандарт пластика, реиннервация, паллиатив тузатиш) танлашни оқилонлаштириш имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 675000-945000 сўм бюджет маблағлар янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач атрезиясини ташхислаш ва даволашни режалаштиришда таклиф этилган морфоиммуногистохимёвий ёндашувни қўллаш неонатал жарроҳлик сифатини ошириш, перинатал ўлим ва ногиронликни камайтириш, операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

бешинчи илмий янгилик: Synaptophysin маркерининг ўрта ва паст позитив экспрессияси қизилўнгачнинг морфологик етилмаганлик белгиси бўлиб, морфометрик кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳига нисбатан нерв ганглиялари эгаллаган майдонининг 5-7,2 мартага камайиши, ўз навбатида радикал коррекциялашдан кейинги реабилитация даврида нерв-мушак иннервациясининг етишмовчилиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 28 мартда 01-р/97-сон билан тасдиқланган «Янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач аномалияларидан бири булган атрезияларни турли шаклларида патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичларини

баҳолаш» ва «Туғма қизилўнғач атрезиясларини ташхислашни режалаштиришда иммуногистокимёвий тадқиқотларнинг аҳамияти» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур тақлиф Қорақалпоғистон Республика патологик анатомия бюроси бўйича 09.04.2025 йилдаги 16-сон ва 17-сон ҳамда Бухоро вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 08.04.2025 йилдаги 15-сон ва 16-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/24-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган услубий ёндашувларни қўллаш қизилўнғач атрезиясининг оғир шакллари (1, 3, 4, 5 вариантлар) билан туғилган чақалоқлар орасида ўлимни 30% гача камайтириш, асоратларни (дисфагия, ахалазия, ГЕР ва аспирация) эрта башорат қилиш имкониятини таъминлаш, ҳаётнинг дастлабки 7 кунда омон қолишни яхшилаш, иннервация ва қон томир тармоғининг ҳолатини баҳолаш орқали операциядан кейинги реабилитация самарадорлигини ошириш, аралашув тактикасини (стандарт пластика, реиннервация, паллиатив тузатиш) танлашни оқилонлаштириш имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 675000-945000 сўм бюджет маблағлар янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнғач атрезиясини ташхислаш ва даволашни режалаштиришда тақлиф этилган морфоиммуногистокимёвий ёндашувни қўллаш неонатал жарроҳлик сифатини ошириш, перинатал ўлим ва ногиронликни камайтириш, операциядан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма-кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини

амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ёритилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида қизилўнгач туғма нуқсонларининг этиологияси, эпидемиологияси, касалланиш хусусиятлари, морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ўзгаришлари муаммосининг замонавий ҳолатига бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган бўлиб, ушбу маълумотлар асосида турли клиник-морфологик таснифлар бўйича қизилўнгач атрезияси вариантларининг морфологияси, диагностикаси ва даволаш бўйича илмий ва амалий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, қизилўнгач туғма нуқсонларидан бири бўлган қизилўнгач атрезияларининг турлари клиник материаллари ва клиник анамнестик-аутопсия маълумотлар асосида тасдиқланган қизилўнгач атрезиясининг турли вариантларида жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин вафот этган чақалоқлар аутопсиясида қизилўнгач тўқимаси олинган. Республика перинатал маркази ва Республика патологик анатомия марказига «ТТАКТК ва РИПИАТМ» даволаш муассасаларидан патологоанатомик текшириш учун олиб келинган чақалоқлар мурдаси ташкил этади. Шулардан 2015-2023 йилларда жарроҳлик амалиётига ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда вафот этган 113 та чақалоқлар ташкил этган.

Республика патологик анатомия марказига олиб келинганларнинг касаллик тарихидан кўчирмалар олинди. Тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, клиник-лаборатор маълумотлар таҳлил қилинди. Қизилўнгач тўқимасини морфологик текшириш учун гематоксилин-эозин, гистокимёвий усулда ШИФФ ва Ван Гизон бўёғидан фойдаланилган. Қизилўнгач атрезиясини турли хил клиник-морфологик вариантларида қизилўнгачни ўзгарган соҳаларининг морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий жиҳатларини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун гистокимёвий бўйаш усулларидан ҳам фойдаланилди. Ҳар бир ҳолат бўйича патологоанатомик текширув баённомасида келтирилган маълумотлар киритилди, амбулатор карта, касаллик тарихи, аутопсия маълумотлари синчковлик билан ўрганилди. Қизилўнгач тўқимасининг гистологик текшируви гематоксилин-эозин усули билан ўрганилди.

Тадқиқот учун тайёр парафин блоклар ва ҳўл архив материаллари оқар сувда 3-4 соат давомида ювилди, сўнгра 70, 80, 90, 96, 100% ли спиртлар ва хлороформда сувсизлантирилди, мум кўшилган парафин қуйилди ва блоклар тайёрланди. Кесмалардаги парафин 57°C ҳароратда термостатда ксиллол билан эритиш орқали йўқотилди, сўнгра қизилўнгач тўқимасининг умумий гистологик ҳолатини ўрганиш учун гематоксилин ва эозин эритмалари билан бўялди. Парафин блоклардан микротомда 3-5 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланди. Кесмалардаги парафин 57°C ҳароратда термостатда ксиллол билан

эритиш орқали парафинсизлантирилди, сўнгра гистокимёвий бўёқлар ёрдамида қизилўнгач тўқималарининг умумий гистологик ҳолати ўрганилди.


Пикрофуксин ёрдамида Ван-Гизон усули. Парафинли блоклардан тайёрланган кесмалар парафин хлороформга солиниб эритилади ва сувда ювилгандан сўнг янги тайёрланган Вейгерт гематоксилинга 3-5 дақиқага солинади. Сўнгра диққат билан сувда икки марта ювилиб, 2-3 дақиқа пикрофуксинда бўялади ва тезда 5-15 сония сувда ювилади. Кесмалар 96о спиртдан 2 марта 1-3 дақиқа ўтказилади. Карбол-ксилол билан оқартирилиб, бальзам билан ёпиштирилади. **Натижа:** хужайралар ядроси кўк сиёҳ рангга, цитоплазма бинафша рангга бўялди.

Мукополисахаридларни ШИФФ реакцияси билан бўйаш. Парафинсизлантирилган гистологик кесмалар сувда ювилиб, 5-10 дақиқа янги тайёрланган 3%ли сирка билан аралаштирилган 0,1%ли альциан спиртида бўялди. Кейин дистилланган сувда ювилиб, йод кислотасининг 0,5%ли сувли эритмасида 2-5 дақиқа оксидланди. Кейин 10-15 дақиқа ШИФФ реактиви билан ишлов берилди. Оқар сувда ювилиб, гематоксин билан бўйашда давом этилди, яна сувда ювилиб, спиртда сувсизлантирилди ва ксилолда депарафинизациялаштирилиб бальзам билан ёпиштирилди. **Натижа:** мукопротеидлар, нордон мукополисахаридлар мовий кўк рангга, нейтрал мукополисахаридлар пушти қизил рангга, ядролар кўк рангга бўялди.


Конфокал мултиплексли морфометрия усулида қизилўнгач тўқимасини морфометрик (гистометрик) текшириш учун замонавий рақамли текшириш усулларида фойдаланилди. Ушбу амалиётни бажариш учун NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/ HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер қилинди. Морфометрик текшириш учун қизилўнгач тўқимасидан тайёрланган микропрепаратларни микротасвирлар кўринишида икки ўлчамда сканер қилинди. Қизилўнгач туғма нуқсонларининг ҳар хил шаклларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларида, девори қалинлиги, сероз, мушак, шиллиқ ости, шиллиқ қавати, таркибидаги безларни морфометрик кўрсаткичлари, хужайралар ва толали тузилмалар ва эгаллаган майдонларининг ҳажми, иккита текислик бўйича морфометрик ўлчанган катталикларини аниқ бир чегарадаги траекториясини рақамлар орқали ифодалаш учун асос қилиб олинди.

Диссертациянинг “Қизилўнгач туғма атрезияларининг морфологик хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида қизилўнгач туғма аномалияларининг локализацияси, қизилўнгач атрезиясининг клиник-морфологик турлари, шунингдек, 5 хил турларининг этиологияси, патогенези, морфогенези ва морфологик тавсифи тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган. Қизилўнгач найининг атрезияси натижасида қизилўнгач девори барча анатомик қаватларининг ривожланмаганлиги, шиллиқ қават юзасини қоплаган кўп қаватли ясси мугузланмайдиган эпителий, вакуолли цитоплазма, гиперхром ядролар ва улар орасида шиллиқ қаватга ўхшаш субстратларнинг мавжудлиги билан характерланади. Шиллиқ қават эпителийсида 1-3 қаватли ясси ва ярим кубсимон хужайраларнинг мавжудлиги, шунингдек, ҳали шакланмаган ясси, призматик ва кубсимон эпителийнинг метаплазияси

ҳисобига ҳосил бўлган қатламнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бундай ўзгаришлар бола туғилганидан кейин 6 ой давомида сақланиб қолиши нормал ҳолат ҳисобланади. Шиллиқ қаватнинг анатомик ва физиологик торайган соҳаларида шиллиқ қаватнинг юпқалашган ўчоқлари аниқланади.



1-расм. Қизилўнғач атрезиясининг 1-варианти. Қизилўнғач деворининг анатомик қаватлари қисман шаклланган. Деворларда ривожланиш дисплазияси мавжуд. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4x10.



2-расм. Қизилўнғач атрезиясининг 2-варианти. Қизилўнғач деворининг анатомик қаватлари қисман шаклланган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40x10.

Шиллиқ ости қаватида интерстициал шиш, қон томирларнинг нотекис тўлақонлиги, шиллиқ қават юзасида эрозив-дескватив эзофагит белгилари аниқланади. Албатта, бу белгилар қизилўнғач бўшлиғида туриб қолган овқат маҳсулотларининг шиллиқ қаватга таъсири натижасида юзага келиб, носпецифик морфологик белгиларидан ҳисобланади. Айнан қизилўнғач атрезиясида овқатнинг қизилўнғач бўшлиғида туриб қолиши ва тез-тез рефлюксларни юзага келиши натижасида, мушак қатлами ва ҳар хил тугунли кўринишдаги миоцитлар тутамларининг гипертрофияси аниқланади. Энг қизиқарли хусусиятлардан бири, ҳалқасимон мушак фасцияси атрофи бўйлаб мушак тутамларининг шиши ва гипертрофияси, шунингдек, бўйлама мушакларда зигзагсимон контрактуралар шаклида толаларнинг пайдо бўлиши кузатилиб, бу қизилўнғач перистальтикасини бузилишини тасдиқловчи морфологик субстрат ҳисобланади. Натижада, қизилўнғач деворларининг асинхрон нотекис қалинлашиши, тўқима консистенциясининг ўзгариши, кардиал қисмга ёндош соҳаларда турли катталиқдаги кўчиб тушган майдонлар аниқланади (1 ва 2-расмлар). Кенгайган кистоз соҳалардан олинган тўқимада қизилўнғачнинг шиллиқ ва шиллиқ ости қаватида жойлашган альвеоляр безларнинг кескин камлиги, мушак тутамларининг кескин атрофик ва склеротик ўзгаришларга учраганлиги аниқланди.


Шундай қилиб, қизилўнғач атрезиясининг 1-вариантининг морфологик жиҳатларига кўра, қизилўнғачнинг атрезияланган проксимал қисми бўйин соҳасининг медиал қатламида тўлиқ шаклланмаган мушак толалари тутамларидан иборат эканлиги аниқланди. Сероз парданинг қолган қисми ва шиллиқ ости қатлами эса дисплазияга учраган турли даражадаги

шаклланмаган сийрак толалар кўринишидаги бириктирувчи тўқима билан қопланган. Шиллиқ қават шаклланмаган эпителийдан иборатлиги аниқланди. 2-вариантда, қизилўнгачнинг изоляцияланиб битмаган атрезиясида қизилўнгачнинг анатомик қаватлари, асосан аорта ва бронхлар бифуркация соҳасидаги физиологик торайиш зоналарида анатомик қаватларнинг тўлиқ шаклланмаганлиги билан характерланади ва қизилўнгачнинг ўрта қисмида сероз, мушак, шиллиқ ости ва шиллиқ қаватларнинг нисбати назорат гуруҳига нисбатан гипопластик бўлади. Макроскопик жиҳатдан қизилўнгачнинг изоляцияланган атрезиясида қопсимон ўзгаришларга учраган соҳалар асосан дистал қисмининг кескин кенгайиши ва анатомик қаватларнинг фиброз-мушак гипоплазияси, кистоз кенгайиш ва ички юзаси тўлиқ шаклланмаган сийрак толали бириктирувчи тўқимадан иборат асосий компонент эканлиги аниқланади.


3-вариантда изоляцияланган эзофагит трахеал оқма кўринишидаги нисбатан нормал шаклланган қизилўнгач бўлиб, бу барча анатомик қаватларнинг морфологияси ва функцияси бўйича нормага яқинлиги билан характерланади. Қизилўнгачнинг проксимал қисмида барча анатомик қаватлар тўлиқ шаклланганлиги аниқланади. Жумладан, сероз парда бир хил қалинликда бўлиб, стромада суст шаклланган интерстициал шишлар, томирларда суст шаклланган тўлақонлик белгилари аниқланади. 1- ва 2-вариантларга нисбатан мушак қаватларида морфологик ҳалқасимон ва бўйлама мушак тутамлари, мушак тутамлари бир хил йўналган, ядролари назорат гуруҳига яқин, цитоплазмаси бир хил пушти рангда, чегаралари аниқ, ривожланаётган дистрофик ўзгаришлар кўринади. Мушак тутамлари орасида кам миқдорда интерстициал шишлар, қон томирлар атрофида суст ривожланган сийрак толали тузулмалар шаклланган бўлиб, мушак тутамлари атрофида фибробластларнинг пролифератив фаол ўчоқлари аниқланади.

Шундай қилиб, қизилўнгачнинг 3-вариантида қизилўнгач пастки учдан бир қисмини морфологик жиҳатдан проксимал қисмига ўхшаш ўзгаришлар, мушак қаватида силлиқ мушак гуруҳлари ва шиллиқ қаватида кўп қаватли ясси эпителий қопламасининг шаклланиши, ҳали шаклланмаган ўчоқларнинг мавжудлиги, стромада интерстициал шишлар, қон томирларининг нотекис тўлақонлиги, сийрак ва дағал толали бириктирувчи тўқималарнинг кўпайиши аниқланди. Қизилўнгач атрезиясининг 4-варианти. Қизилўнгачнинг проксимал трахея-қизилўнгач атрезияси бўлмаган ҳолатлар умумий қизилўнгач атрезияларининг 2% ни ташкил қилади ва асосий морфологик ўзгаришлар қуйидагилардан иборат. Бунда қизилўнгач деворининг дисплазияси ва стенози кузатилади, шунингдек, морфофункционал жиҳатдан қизилўнгач ўтказувчанлиги бузилади. Бу турда қизилўнгач атрезияси нотўлиқ ва ярим ўтказувчан бўлиб, проксимал-дистал ва ўрта учлигида пайдо бўлиши мумкин. Морфологик ўзгаришларни ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди. Хусусан, қизилўнгачнинг шиллиқ қаватларини қоплаб турувчи кўп қаватли ясси эпителий ўрнида, бир қаватли кубсимон ва кўчиб тушган призматик эпителий хужайраларининг бўлиши, шиллиқ ва шиллиқ ости парда орасида базал мембранада сийрак фиброз чегаранинг бўлиши билан

характерланади. Қизилўнғач атрезиясининг 5-варианти. Атрезиянинг бу турида асосий ўзгаришлар қизилўнғач дистал қисмининг трахея билан қўшилиб кетиши ва кардиал қисми атрезияси бўлиб, қизилўнғачнинг морфологик ва функционал жиҳатдан бутунлай ўз вазифасини бажармаслиги билан ифодаланади. Атрезиянинг бу тури қизилўнғач ва ошқозон атрезияси соҳасида қизилўнғач деворининг морфологик дисплазияси, барча анатомик қаватларнинг ривожланмаганлиги ва атрезиянинг учларида фиброз-мушак қопча кўринишидаги кўриниш билан тавсифланади. Қизилўнғач атрезиясининг ушбу вариантыда асосий морфофункционал ўзгаришлар аниқланиб, қизилўнғачнинг ўрта қисмини дисплазияси, гипоплазияси ва аплазияси ҳамда мушак-фиброз тўқима билан ифодаланиб, қизилўнғачнинг барча анатомик қатламларида Н-турдаги, шу билан бирга ошқозоннинг кардиал қисмида трахеяга ўтувчи ва кардиал қисми сақланиб қолган бўлади. Қизилўнғач шиллик қавати 1-3 қаватли ясси эпителий билан қопланган бўлиб, улар орасида шакланмаган призматик эпителийлар, вакуолли дистрофия ва десквамация ўчоқлари ҳам аниқланади. Бу эса қизилўнғач ривожланишида синхрон дифференциалланиш бир текис кечмаганлигини тасдиқлайди.



3-расм. 13 кунлик нобуд бўлган чақалоқ қизилўнғачи. Д-11 баённома. Қизилўнғач атрезияси. Шиллик ва шиллик ости қаватида ШИФФ мусбат тузилмаларга бой бўлган киритмалар аниқланади. Бўёк ШИФФ. Ўлчами 40x10.



4-расм. 6 кунлик нобуд бўлган чақалоқ қизилўнғачи. Д-19 баённома. Қизилўнғач атрезияси. Шиллик ва шиллик ости қаватида ШИФФ мусбат аниқланади (1). Бўёк ШИФФ. Ўлчами 40x10.

Диссертациянинг “Қизилўнғач туғма атрезиясининг гистокимёвий жиҳатлари” деб номланган тўртинчи бобида қизилўнғач атрезиясининг турли шакллари гистокимёвий усулда бўйша орқали олинган маълумотлар таҳлил қилинган. Бизнинг тадқиқотимизда тўқимани гистокимёвий текшириш, тўқима таркибидаги нордон мукополисахаридларни альциан кўкида ШИФФ билан мусбат бўйша орқали аниқлаш имконини беради. Айнан тўқималарда ва ҳужайралараро бўшлиқда нордон мукополисахаридларнинг кўпроқ тўпланиши биринчи навбатда гомеостазнинг бузилиши ва тўқималарда қон айланишининг бузилишини англатади. Натижада, тўқимада ШИФФ мусбат структураларнинг тўпланиши тўқима гистолозини кучайишига ва шиллик қаватлар эрозиясига олиб келади. ШИФФ мусбат тузилмаларнинг шиллик ва

шиллик ости қават базал мембранасида кўп миқдорда тўпланиши, майда ва ингичка чизиклар ҳосил бўлишига, гистогематик тўсиқларнинг бузилишига ва интерстициал шикастланишларга, асосан толали тузилмаларнинг парчаланиши ва дефиброзланишга, без тўқималарида без секретининг тўпланишига, кислотали муҳитга эга бўлган безларнинг тўпланишига олиб келади. Айнан қизилўнгач атрезиясида овқатнинг қизилўнгач бўшлиғида туриб қолиши ва тезда рефлюксни юзага келиши натижасида, мушак қавати ва турли тугунли кўринишдаги миоцитлар тутамларининг қисқа муддатли гипертрофияси аниқланади. Энг қизиқарли жиҳатларидан бири, ҳалқасимон мушак фассияси атрофи бўйлаб мушак тутамларининг шиши ва гипертрофиясининг пайдо бўлиши, шунингдек, қизилўнгач перистальтикасининг бузилишини тасдиқловчи морфологик субстрат бўлиб, бўйлама мушакларда зигзагсимон қисқарувчи толаларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади. Натижада, қизилўнгач деворларининг асинхрон нотекис қалинлашиши, тўқималар консистенциясининг ўзгариши, кардиал қисмга ёндош соҳаларда турли катталиқдаги кўчиб тушган майдонлар аниқланади. Бу шунини тасдиқлайдики, чиқиш тешигининг йўқлиги ва қизилўнгач деворининг барча анатомик қаватларининг ўтказувчанлиги туфайли, овқатнинг туриб қолиши ва қизилўнгачнинг кистоз кенгайишига олиб келади (4-расм).

Хулоса. Шундай қилиб, қизилўнгач деворининг барча қаватларида ШИФФ-мусбат тузилмаларнинг тўпланиши, шунингдек, интерстициал тўқимада сийрак ва дағал толали тузилмаларнинг ўсиши девор мушак қатламининг миофибрози ва миосклерози билан яқунланиши аниқланди. ШИК-мусбат моддалар асосан нейтрал мукополисахаридлар бўлиб, улар шиллик қаватда ортиқча суюқлик тўпланишига, сийрак толаларнинг узилишига ва шилликнинг қуюқлашишига сабаб бўлади. Натижада, муҳитнинг кислотали томонга силжиши бириктирувчи тўқиманинг ўсишига олиб келиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Қизилўнгач туғма атрезиясининг турли шакллари ни морфометрик кўрсаткичлари”** деб номланган бешинчи бобида қизилўнгач атрезиясининг турли клиник-морфологик шакллари кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлили келтирилган. Асосий йўналишлардан бири қизилўнгач аномалияларини морфофункционал текшириш бўлиб, бунинг учун қизилўнгач атрезиясининг бутун узунлиги бўйлаб камида 0,5 см узунликда кесма қилиниб, микро намуналар тайёрланди. Тадқиқотимизда ўтказилган морфометрик кўрсаткичлар маълумотларига кўра, А-типда (1-вариант) қизилўнгач деворининг қалинлиги $426,42 \pm 2,02$ мкм ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $652,98 \pm 2,12$ га эга бўлди. Бу қизилўнгач атрезиясининг А турида девор қалинлигининг назорат гуруҳига нисбатан 1,53 мартага камайганлигини кўрсатади, бу эса статистик жиҳатдан аҳамиятли саналади. Бундай морфологик текширувлар, қизилўнгач деворида дисплазия ривожланганлигини тасдиқлайди.

**Қизилўнғач атрезиясининг турли клиник-морфологик вариантларида
(R. Gross 1953 йил) қизилўнғач девори анатомик қаватларининг
қалинлиги мкм да келтирилган морфометрик кўрсаткичлари**

ҚА клиник-морфологик вариантлари	деворнинг умумий қалинлиги	сероз қавати	мушак қавати	шиллик ости қавати	шиллик қавати
назорат	652,98±2,1 2	28,74±1,5	388,32±1,7	214,71±1,23	21,21±1,6
А -тип	426,42±2,0 2	40,67±1,22* *	273,74±1,12* *	101,19±0,11* *	10,72±0,9**
В-тип	428,13±1,0 2	35,72±1,16*	264,64±1,02* *	117,7±0,22**	9,92±0,14**
С-тип	512,81±1,6 2	51,84±1,89*	284,25±1,65* *	164,1±0,16**	12,64±0,91* *
Н-тип	554,28±1,1 2	47,25±2,16*	415,38±1,06*	122,69±0,66* *	16,01±0,31* *
Ғ- тип	325,26±1,1 8	52,93±5,16*	184,65±1,43*	76,72±0,21*	10,94±1,33*

Изоҳ: * P≤0,05 – назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик кўрсаткичи


** P≤0,01 - назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик кўрсаткичи

Қизилўнғач атрезиясининг В-типида девор қалинлиги 428,13±1,02 мкм, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 652,98±2,12 га тенг бўлиб, 1,52 марта кам. Бу ҳам В вариантда дисплазия ривожланганлигини тасдиқлайди. S-типдаги қизилўнғач атрезиясида девори қалинлиги 512,81±1,62 мкмни ташкил этиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 652,98±2,12 ни ташкил этиб, 1,27 мартага камайганлиги, қизилўнғач деворида дисплазия ривожланганлигини тасдиқлайди. Н-типдаги қизилўнғач атрезиясида девори қалинлиги 554,28±1,12 мкмни ташкил этиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 652,98±2,12 ни ташкил этиб, 1,18 мартага камайганлиги, қизилўнғач деворида ривожланиш дисплазияси мавжудлигини тасдиқлайди (1-жадвал).


Қизилўнғач атрезиясининг Ғ типиде девор қалинлиги 325,26±1,18 мкм ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 652,98±2,12 ни ташкил этиб, 2 баробарга кам бўлганлиги қизилўнғач девори дисплазиясининг чуқур шаклда (эмбрионал даврнинг биринчи триместрида) сақланиб қолганлигини тасдиқлайди. Мультиплекс конфокал морфометрия маълумотларига кўра, қизилўнғач деворидаги мушак тутамларининг ўртача ҳажми, ҳажм бирлиги эгаллаган умумий ҳажмий майдон назорат гуруҳида 278,4 мкм³ ни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич А типиде бўлиб, 77,53 мкм³ ни ташкил этди, бу эса 3,6 баробарга камлигини кўрсатди. Бу эса, қизилўнғач деворининг қисқариш қобиляти пастлигини, ахалазиянинг ривожланиши ва қизилўнғачни тесқари ҳаракатини кузатилишини тасдиқлайди. Бу нерв-

мускул синапсларида иннервация жараёни бир хил кечишини, қизилўнғач атрезиясида кистоз кенгайган халтачалар пайдо бўлишини исботлайди. Қизилўнғач атрезиясининг барча вариантларида назорат гуруҳига нисбатан нерв тугунлари эгаллаган ҳажмий улуш, энг паст кўрсаткич эса А, В ва F турларида аниқланди.

Диссертациянинг **“Қизилўнғач туғма атрезиясининг турли клиник-морфологик вариантларининг иммуногистохимёвий жиҳатлари”** деб номланган олтинчи бобида қизилўнғачнинг ривожланиш аномалияларида уларнинг структураларини ривожланишдан орқада қолиши ва морфологик жиҳатдан етилганлик даражасини аниқлаш учун муҳим бўлган иммуногистохимёвий тадқиқотларнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилган. Ушбу жиҳатларни ўрганиш учун VEGFA-1, Synapto, Cytokeratin-7 ва Chromagranin маркерлари ўрганилди. VEGFA-1 маркерининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, у қон-томир эндотелийсининг ўзига хос кўп функцияли оқсил бўлган гликопротеинли цитокин ҳисобланади. Айнан шу оқсил митоз ва ангиогенезнинг эндотелий хужайралари миграцияси босқичларида қон-томир бўшлиқларининг шаклланиши ва эндотелий хужайраларида тешиқлар ҳосил бўлишида, шунингдек, макрофаглар ва гранулоцитлар хемотаксиси, вазодилатация каби босқичларида иштирок этади. Қизилўнғач атрезиясининг 1-вариантида мушак ва шиллиқ қаватларда майда калибрли артериолалар ва капиллярларида VEGFA-1 маркерининг ўртача даражали позитив экспрессияси кузатилади, бу клиник ва морфологик белгилар бўйича изоляцияланган атрезиялар туфайли ижобий натижани кўрсатиб, илгари берилган башоратлашга кўра радикал коррекция учун тавсия этилади. Қизилўнғач атрезиясининг 2 ва 3 вариантларида VEGFA-1 маркерининг паст ижобий экспрессияси шуни тасдиқлайдики, қизилўнғач касалликларини даволашни режалаштиришда, жарроҳлик аралашувида ўлим кўрсаткичи 30-50% ни, кўшма аномалияларда эса бу кўрсаткич 90% ни ташкил этишини инобатга олиб, ушбу кўрсаткич дастлаб симптоматик даво чораларини таклиф қилиш учун асос бўлади. 4 ва 5-вариантларда VEGFA-1 маркерининг манфий экспрессияси қизилўнғач атрезияси, асосан қизилўнғач деворининг чандиқланиши, мезенхимал хужайраларнинг пролифератив индексининг ошиши ва тўқималар перфузиясининг паст кўрсаткичларида даволаш самарадорлиги пастлигидан далолат беради. Кейинги ИГХ тадқиқотимизда қўлланилган Synaptophysin маркери, қизилўнғач деворидаги нейроэндокрин хужайралар бўлган апудоцитлар аминларини ютувчи ва улардан декарбоксилланиш орқали фаол аминлар ишлаб чиқарувчи хужайраларни (АПУД) бўйаш орқали, морфологик жиҳатдан етукликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида ушбу маркер экспрессияси орқали нейроэндокрин хужайралар ва уларнинг ўсмаларини ташхислашда қўлланилади.



5-расм. Қизилўнғач туғма атрезиясинг 1-вариантида Synaptophysin маркери ўрта позитив экспрессияси (1), мушаклар орасида нейроэндокрин хужайралар тўплами аниқланади. Қолган соҳаларида нуктасимон тарқок кўринишида аниқланади. Бўёқ Даб хромоген. Ўлчами 10x10.



6-расм. Қизилўнғач туғма атрезияси 1-вариантида Synaptophysin маркери ўрта позитив экспрессияси (1), мушаклар орасида нейроэндокрин хужайралар аниқланади. Мушак тўқимаси бошқа соҳаларида нуктасимон тарқок кўринишида реакция излари аниқланди. Бўёқ Даб хромоген. Ўлчами 10x10.

Муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ушбу маркер барча аъзоларда мавжуд бўлиб, фақат морфологик жиҳатдан етилган аъзоларда учрайди. Бизнинг тадқиқотларимизда, қизилўнғач туғма аномалияларни ташхислаш ва унинг морфофункционал кўрсаткичларини баҳолаш сифатида қаралади. Бу маркернинг тўқ бўялиши ва юқори мусбат экспрессияси нейроэндокрин хужайралар ўсмаси борлигини, ўртача мусбат экспрессияси нейроэндокрин хужайралар борлигини, манфий экспрессияси нейроэндокрин хужайралар йўқлигини кўрсатади. Хромогранин маркери, шунингдек, нейроэндокрин хужайраларни, нерв-мушак синапсларини белгилайдиган секретор нейронларни аниқлаш ва функционал пептид боғларидаги синтез жараёнини аниқлаш учун ишлатилади. Бу табиатан гликопротеинли маркер бўлиб, мушак қаватининг нерв-мушак синапсларидаги везикулаларни бўяш орқали морфофункционал ҳолатни баҳолаш имконини беради. Ушбу маркернинг жуда паст титрлардаги юқори сезгирлиги, унга нерв-мушак синапсларидаги АПУД хужайралари ва везикулаларининг барча белгиларини ёпиб қўйиш (ниқоблаш) имконини беради. Ушбу маркер фақат қизилўнғач атрезиясининг 1-вариантида паст ижобий экспрессия билан, қолган вариантларда паст ва салбий реакциялар билан характерланади.

Шундай қилиб, қизилўнғачнинг ривожланиш аномалиялари орасида изоляцияланган атрезиясидан ташқари барча турлар оғир кечиши билан характерланиб, кўшма ривожланган аномалияларда эса қизилўнғач деворидаги АПУД хужайралари сони жуда паст ва морфофункционал кўрсаткичлар ҳам паст бўлади. Бу оксил маркери гликопротеинлар билан комплекс ҳосил қилади ва мусбат реакция бериб, нейросекретор хужайралар мембранасини бўяйди. Бу ўз навбатида функционал фаол аъзоларда оч сарик рангга қараб аниқланади. Агар у тўқ жигарранг билан бўялса, гликопротеин оксилининг концентрацияси юқорилиги, нейросекретор хужайраларда юқори фаоллик ва ўсма жараёнидан далолат беради. Тадқиқот ишимизда 1-вариант интенсивлик бўйича ўртача деб белгиланди. Демак, хромогранин маркерининг паст реакцияси нерв-мушак синапслари ва АПУД хужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган биологик актив моддалардан фойдаланишни тақозо этади. Бу қизилўнғач атрезиясининг турли хил вариантларида мушак ва

нервлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳолда ривожланишида умумий қонуният борлигини тасдиқлайди. Даволаш алгоритми таклиф қилинганда, ушбу тамойил бўйича даволаш бемор ҳаётини 50-92% гача сақлаб қолиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Қизилўнғач туғма атрезияларининг клиник-анамнестик маълумотлари таҳлили”** деб номланган еттинчи бобида қизилўнғач туғма нуқсонларини ташхислашда қизилўнғач атрезиясининг пренатал диагностикаси қоғоноқ суви ҳажмини меъёридан ортқчалиги, ҳомила ошқозонининг кўринмаслиги ёки кичик ўлчамлари, қизилўнғач проксимал қисмининг кенгайиши каби билвосита белгиларни аниқлашга асосланиши кўрсатилган. Бироқ, сўнгги иккита белгини ҳар доим ҳам кузатиш имконсиз, шу сабабли антенатал диагностика кўрсаткичлари паст даражада қолмоқда.

Даволаш натижаларига сезиларли таъсир кўрсатадиган объектив омил сифатида йўлланмадаги муассасани ажратиб кўрсатиш керак. Ўзбекистонда соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун республикада 1998 йилдан бошлаб ҳомиладор аёллар ва болаларда туғма касалликларни эрта аниқлашни таъминлаш, болалик даврида ногиронликни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор аҳолига тиббий-генетик ёрдам кўрсатадиган, шунингдек, бўлажак оналар ва болаларни скринингдан ўтказадиган ихтисослаштирилган тиббий тизимни яратишга қаратилмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 18 майдаги 137-сонли **“Бирламчи тиббий-санитар ёрдам муассасаларида ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш, антенатал парваришни таъминлаш ва ташкиллаштириш тўғрисида”**ги буйруғига асосан хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёллар ҳомиланинг ривожланиш нуқсонларини истисно қилиш мақсадида 16-20 ҳафталик муддатда скрининг текширувига юборилади. Скрининг натижалари асосида ҳомиладорликни кузатиш ва туғруққа тайёргарлик режаси ишлаб чиқилади; туғруқ жойи ҳомиладор ва туғувчи аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишни яшаш жойи бўйича тақсимлаш тамойилини инобатга олган ҳолда танланади. Қизилўнғач атрезияси бўлган болалар анамнезида антенатал ва интранатал даврларда она билан боғлиқ омиллар таҳлили ўтказилди. Оналарнинг ёш таркиби ўрганилганда, қизилўнғач атрезияси бўлган болалар 18 ёшдан 42 ёшгача бўлган оналардан туғилганлиги аниқланди, ўртача ёш $27,8 \pm 4,85$ ни ташкил этди. ҚА ташхиси қўйилган болаларнинг аксарияти 18-35 ёшдаги оналардан туғилган. Таъкидлаш жоизки, 59 нафар (52,2%) чақалоқ кесарча кесиш йўли билан туғилган. 92 нафар бола (81,4%) ҳомиладорликнинг 34-37 ҳафталарида туғилган, қолган 21 нафар бола (18,5%) ҳомиладорликнинг 38-42 ҳафталарида туғилган. Энг кўп учрайдиган патоген омил юқори тана ҳарорати билан бирга келган ўткир респиратор вирусли инфекция (ЎРВИ) бўлиб, бу 113 (100%) нафар ҳомиладор аёлда кузатилган. Беморларда вирусли инфекцияларнинг кўпроқ тарқалиши уларда ҳомиладорлик асосан ЎРВИ билан касалланишнинг энг юқори даврига тўғри келиши билан изоҳланади. Ҳомиладорлик даврида аёлларда 64 (57%) ҳолатда яққол патоген табиатли TORCH-инфекция қайд этилган. Ўткир ва сурункали экстрагенитал ўчоқли бактериал инфекция 27

(24%) нафар аёлда, генитал кольпит 11 (9,7%) нафар аёлда аниқланган. Ҳомилада ҚА шаклланишига таъсир қилиши мумкин бўлган оналарнинг соматик патологиялари орасида ҳомиладор аёлларнинг 97 (85,8%) нафарида камқонлик; 7 (6,2%) нафарида юрак патологияси; 18 ҳолатда (16%) қалқонсимон без патологияси ва 25 (22,1%) нафар аёлда ҳомила кўтара олмаслик синдроми кўпроқ учраганлиги аниқланди. 65 нафар (57,5%) аёлда ҳомиладорликнинг эрта муддатларидан бошлаб ҳомила тушиш хавфи доимий сақланиб қолган бўлиб, 24 (21,2%) аёлда йўлдош патологияси кузатилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, туғруқдан кейинги даврда ўз вақтида ташхис қўйиш ва янги туғилган чақалоқларни ташишга етарли даражада тайёрлаш фақат 12 (11%) нафар беморда амалга оширилган. Туғруқхоналарда 86 нафар (76%) чақалоқларда бирламчи барқарорлаштирувчи тадбирлар умуман ўтказилмаган. Янги туғилган чақалоқларнинг 47,8% кўпол бузилишлар билан ташилган. Бу 47,8% ҳолатда III-даражали оғир нафас етишмовчилиги ва 75,2% ҳолатда гипотермия ривожланишига олиб келди. Болани ташишга тайёрлашда ва ташиш вақтида барча ҳаракатлар тўртта энг муҳим патологик ҳолатларни олдини олишга қаратилган бўлиши лозим: гипотермия, гипоксия, гиповолемия, гипогликемия. Уларнинг ҳар бири полиорган етишмовчилик синдроми ва қизилўнгач туғма нуқсонлари фонида етишмовчилик ривожланишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, антенатал ва постнатал ташхислаш натижалари, пренатал ва постнатал ташхислаш алгоритмларини ва ҚА билан оғриган беморларни даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берди. Уларни қўллаш операциядан олдинги ва кейинги даврларда турли асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради.

Қизилўнгач атрезияси билан туғилган болаларни клиник-анамнестик маълумотларини таҳлил қилиш натижалари. Беморларни ихтисослашган шифохонага эрта ётқизиш ижобий натижа учун жуда муҳим. Чақалоқларнинг атиги 31% ҳаётининг биринчи кунда ихтисослаш-тирилган касалхонага ётқизилган, 69% эса 2-кунга ёки ундан кейин касалхонага ётқизилган. Бу эса туғруқхоналарда ҚАни эрта аниқлашда жиддий камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. ҚА билан туғилган болаларнинг шифохонага ётқизилгандаги клиник-анамнестик ҳолати тавсифланган. Янги туғилган чақалоқнинг клиник-анамнестик маълумотларини баҳолашда постнатал даврда ташхис қўйиш муддатларига (овқатлантиришдан олдин ёки кейин), касалхонага ётқизишдан олдин ташхис қўйиш ва даволаш чоратадбирларининг табиатига, касалхонага ётқизилганида ҳолатини оғирлигига алоҳида эътибор қаратилди. Клиник-анамнестик маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, таққослаш гуруҳидаги 51 нафар (45%) болада ташхис кўкрак сути билан озиклантирилганидан кейин қўйилган, яъни улар туғилганидан кейин қўйилган, бу аспирацион пневмонияга ва даволанишнинг қониқарсиз натижаларига, асоратларнинг ривожланишига ва ўлимга олиб келган. Ушбу нуқсоннинг анатомик ва патогенетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бу хавфни имкон борича камайтириш лозим бўлади.

Шундай қилиб, анте- ва постнатал ташхислаш натижалари пре- ва постнатал ташхислаш алгоритмларини ва ҚА билан оғриган беморларни кейинчалик даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берди. Уларни қўллаш операциядан олдинги ва кейинги даврда турли асоратлар ва ўлимни камайтириш имконини беради.



Хомила қизилўнғач агрезиясида антенатал диагностика ва акушерлик тактикаси алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

«Янги туғилган чақалоқларда туғма қизилўнгач аномалияларини ташхислаш ва даволашни режалашда патоморфологик текширувларнинг роли» мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қизилўнгач туғма аномалияси ривожланган чақалоқларнинг 113 нафарида туғма қизилўнгач атрезияси ташхисланди. Шундан, клиник-морфологик жиҳатдан 1-даражадаги туғма ҚА 85 нафарида (75,2%) аниқланди, яъни қизилўнгач проксимал қисмининг қопчасимон кенгайган кўриниши ва трахея-қизилўнгач дистал қисмининг оқмаси устунлик қилди.

Янги туғилган чақалоқларда туғма ҚАга шубҳа қилинган ҳомиладор аёллар орасида 113 нафари (100%) тана ҳароратининг кўтарилиши билан кечган ўткир респиратор вирусли инфекция (ЎРВИ), 89 нафари (85,8%) камқонлик, 65 нафари (57,5%) ҳомила тушиш хавфи, 61 нафари (54%) медикаментоз терапия ва 54 нафари (57%) TORCH инфекцияси диагностика қилинди. ҚА билан туғилган чақалоқлар ўлимининг асосий сабаби аспирацион пневмония эканлиги аниқланди ва бу 100% ни ташкил этди.

2. ҚА билан туғилган болаларда лаборатория текширувлари натижалари таҳлилида 113 нафар (100%) чақалоқларда лейкоцитоз, С-реактив оқсил миқдорининг ошиши ва системали яллиғланиш реакцияси синдроми мавжудлиги тасдиқланди. 83 нафар (73,5%) болада касалхонага қабул қилинганда вазн йўқотиш ва I-II даражали сувсизланиш ҳисобига гемоглобин, гематокрит ва мочевина миқдорининг ошиши кузатилди.

Янги туғилган чақалоқларнинг 56 нафарида (50%) шифохонага ётқизилганда гипогликемия (2,2 ммол/л дан кам) кузатилди, бу ҚА билан туғилган чақалоқларни бир шифохонадан иккинчисига ташишдан олдин ва ташиш вақтида инфузион терапиянинг етарли эмаслигини тасдиқлайди. Гемостаз тизими текширилганда, туғма артериал гипертензия билан туғилган 61 нафар (54%) болада ўткир диссеминирланган томир ичи қон ивиши синдроми мавжудлиги аниқланди, бу протромбин индекси ва тромбин вақти, фибриногеннинг ўзгаришлари билан тасдиқланди.

3. Қизилўнгач атрезиясининг 1-вариантининг морфологик жиҳатлари бўйича шиллиқ пардани эпителий қаватининг шаклланмаганлиги билан тавсифланади, бу эса операциядан кейинги реабилитация даврида асоратларга олиб келади; 2-вариант қизилўнгач атрезияси деворининг пластикасидан кейин ривожланган дисфагия, ҳалязион, Менделсон синдроми кўринишидаги хавфли асоратлар билан кечиши аниқланди.

4. Янги туғилган чақалоқларда аномалия натижасида қизилўнгач деворининг барча анатомик қаватлари, интерстициал тўқима ва безлар алвеолаларида ШИФФ структураларининг кескин тўпланиши, безларда аутолиз ва некроз жараёнларининг кучайиб бориши гистокимёвий текширувлар билан тасдиқланди.

5. Янги туғилган чақалоқларда қизилўнгачнинг туғма атрезиясининг морфометрик кўрсаткичи сифатида Synaptophysin маркерининг ўртача ва паст

позитив экспрессияси морфологик жиҳатдан чуқур етилмаганлик белгиси бўлиб, иммуногистокимёвий Хромагранин А маркерини паст экспрессияси миофиброз, миосклероз ва стенознинг кучайиши ҳисобига морфофункционал жиҳатдан етилмаганлик ривожланишини башорат қилиш имконини берди.

6. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш асосида янги туғилган чақалоқларда ҚАнинг антенатал диагностикаси ва акушерлик тактикасининг алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмда туғруқхона босқичида ҚА билан туғилган болаларни эрта постнатал ташхислаш ва даволаш тактикасининг барча босқичлари келтирилган бўлиб, ундан фойдаланиш даволаш натижаларини яхшилаш, турли хил асоратлар ва ўлимни камайтириш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МУХСИНОВА МАХЗУНА ХОЛМУРАДОВНА

**РОЛЬ ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В
ДИАГНОСТИКЕ И ПЛАНИРОВАНИИ ЛЕЧЕНИЯ
НОВОРОЖДЕННЫХ С ВРОЖДЕННЫМИ АНОМАЛИЯМИ
ПИЩЕВОДА**

**14.00.15- Патологическая анатомия
14.00.09 – Педиатрия**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора медицинских наук (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2024.2.DSc/Tib1056.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные консультанты:

Эшбаев Эркин Абдухалимович
доктор медицинских наук, доцент

Зуфаров Азиз Алимжанович
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хамидова Фарида Муиновна
доктор медицинских наук, доцент

Гаффарова Феруза Муратходжаевна
доктор медицинских наук, профессор

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Международный казахско-турецкий университет имени Ходжи Ахмеда Ясави (Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 года в _____ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Ташкентская медицинская академия, 10 учебный корпус, 1 этаж. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за № _____). (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, комната 7,. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 г.

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2025 г.).

Г.И. Шайхова

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Р.Дж.Усманов

Председатель разового научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире аномалии развития пищевода у новорожденных представляют собой сложное комплексное заболевание, часто сочетающееся с другими патологиями и составляет 3,2% всех аномалий. Это процесс, который продолжает развитие пищевода и его структурных структур в эмбриональный период развития плода с анатомическими и гистологическими изменениями. Во всем мире частота пороков развития пищевода составляет 40 на 100 000 новорожденных. В США и странах Европы выявление данной патологии при раннем скрининге беременности «...исходя из строгих рекомендаций по прерыванию беременности, в среднем составляет 4-8 случаев на 100 000 новорожденных...»⁴. В настоящее время эта проблема актуальна для педиатров и неонатологов, и установлено, что заболеваемость детей, рожденных от браков между родственниками с высокой наследственной предрасположенностью, в 2,5 раза выше. Именно аномалии развития пищевода, сопровождающиеся бронхоэзофагеальными спайками, приводят к летальному исходу более чем в 85% случаев, а дети умирают от аспирационной пневмонии в первые дни раннего неонатального периода. Решение этой проблемы требует от современных педиатров внедрения методов лечения, выявленного порока в раннем неонатальном периоде, путем поэтапных хирургических вмешательств с применением узко специализированных методов обследования.

Во всем мире проводится ряд целевых научных исследований по оценке различных клиничко-морфологических вариантов аномалий развития пищевода у новорожденных детей на основе их морфологических и иммуногистохимических особенностей. В связи с этим особое значение приобретают научные исследования, направленные на снижение младенческой смертности путем оценки морфологических и иммуногистохимических особенностей наиболее часто встречающихся аномалий развития при 5 различных вариантах атрезии пищевода у новорожденных.

В нашей стране принимаются определенные меры, направленные на развитие сферы здравоохранения, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе на снижение смертности от врожденной атрезии пищевода у новорожденных при организации охраны материнства и детства. В связи с этим, в соответствии с семью приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, для поднятия уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень, определены такие задачи, как «...повышение качества квалифицированного обслуживания населения в первичной медико-

⁴ Burgmeier C, Schier F. Hemodynamic effects of thoracoscopic surgery in neonates with cardiac anomalies. //J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2014 Apr;24(4):265-7.

санитарной службе...»⁵. Исходя из этих задач, целесообразно проводить исследования среди населения для улучшения использования современных технологий в диагностике и лечении врожденных аномалий у младенцев, включая атрезию пищевода, а также для снижения осложнений и младенческой смертности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 года, № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» от 25 мая 2021 года, № ПП-5199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оказания специализированной медицинской помощи в сфере здравоохранения» от 28 июля 2021 года, а также в других нормативно-правовых актах, связанным с данной сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.⁶ Научные исследования данной аномалии, направленные на совершенствование патоморфологической характеристики и различных комбинаций лечения аномалий пищевода, выявляемых у новорожденных, проводятся в ряде научных центров и высших учебных заведений мира, в том числе: University of California (АКШ); University of Washington, University of Cornell (АКШ); University of Louisville (Германия); King's College London (Буюк Британия); Chinese Academy of Medical Science; Sichuan University (Хитой); University Vita-Salute, University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); University of Sydney (Австралия); Oswaldo Cruz Institute; University of Lviv, Dnipropetrovsk Medical Academy, University of Ternopil (Украина); в Ташкентской медицинской академии (Узбекистан).

В результате научных исследований по улучшению патоморфологических особенностей различных форм атрезии, наиболее часто

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

⁶ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

встречающихся среди аномалий пищевода, был получен ряд результатов, в том числе: у новорожденных в результате использования аллотрансплантатов для закрытия дефектов тканей при хирургическом вмешательстве на артериолах пищевода доказаны различные дисфункциональные изменения стенки пищевода и развитие предопухолевых процессов (Sichuan University (Китай)); аномалии пищевода являются причиной 2% всех случаев смерти у младенцев; в нашей стране продолжаются комплексные морфологические исследования патологической анатомии этих аномалий (Ташкентская медицинская академия, Узбекистан).

В мире проводится ряд научных исследований по определению морфологических аспектов развития пищевода, в частности, по следующим ключевым направлениям: например, выявление иммуногистохимических изменений при аномалиях развития пищевода требует оценки показателей экспрессии определенных иммуномаркеров, что диктует необходимость разработки алгоритмов диагностики и лечения.

Степень изученности проблемы. В последние годы итальянские ученые (La Placa S., Guiffre M 2017) разработали ряд диагностических и поэтапных хирургических рекомендаций при атрезии пищевода, из которых 635 являются эффективными, однако морфологические аспекты не изучались. В 2010 году американский ученый Spitz L предложил несколько пошаговых методов лечения атрезии пищевода. Однако клинико-морфологические параллели не выяснены, а этиологический факторный алгоритм решения проблемы не разработан. Jacobs PJ, Ku WY, Que J. (2012) и др. изучена роль сигнальных путей, регулирующих дифференцировку кишечника в период внутриутробного развития, в последующем органогенезе трахеи и пищевода, а также представлены данные об аспектах функциональных нарушений. Achildi O, Grewal H., 2007 и др. сообщили, что морфологическое сходство между атрезией и стенозом при аномалиях развития пищевода весьма поразительно. Bass et al., и другие, 2009 неоднократно сообщали о 8-10-кратном увеличении риска развития рака в период после аномалий развития пищевода и анализировали морфологические аспекты аномалий пищевода. Tertychnyi AS, Zhakota DA, в 2012 году отметили, что при аномалиях пищевода, особенно при атрезии, в слизистой оболочке пищевода секреторные железы не определяются, а в дальнейшем, изучая гистохимические изменения, высказали предположение, что пищевод Барретта является онтогенетическим и предопухолевым процессом. В странах СНГ также проводились исследования по атрезии пищевода, в том числе с внедрением поэтапной ксенопластики атрезии пищевода с использованием пластической хирургии. Однако не опубликовано никаких данных о том, что проводились параллельные клинические и морфологические исследования и разрабатывались критерии клинико-морфологической диагностики.

В Узбекистане рядом ученых изучены общие аспекты аномалий развития желудочно-кишечного тракта, морфологических изменений, возникающих при аномалиях пищевода, а также представлен ряд научных и практических навыков в лечении и диагностике (М.С.Абдуллахужаева, И.Р.Исроилов, 2012;

Ж.О.Атакулов, Ш.А.Юсупов, А.М.Шамсиев и др., 2022). Однако, не опубликованы сведения о параллельном проведении клинко-морфологических исследований и разработке критериев клинко-морфологической диагностики.

На основании анализа приведенных выше данных разработка диагностических и лечебных критериев, основанных на клинических, морфологических и иммуногистохимических особенностях лечения аномалий развития пищевода, а также важных плановых практических рекомендаций и показаний к планированию лечения данной патологии, требует разработки важных систематических и практических рекомендаций.

